



2016 йил «3» ноябрь

№ 426-г.

Тумандаги Нурбулоқ маҳалла
фуқаролар йиғини ҳудудидан
6,2 км узунликдаги сув тармоғини
қуриш учун ер майдони танлаш
ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги Самарқанд вилоятида ўтказилган ЭДО-02-11-76 сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 6,2 км узунликдаги сув тармоғи қуриш учун ер танлаш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг далолатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 6,2 км сув тармоғи қурилиши учун вақтинча 0,8 га ер майдони танлаш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 6,2 км сув тармоғи қурилиши учун туман ҳокимлиги ҳисобида бўлган ер майдонидан 0,8 га ер майдони вақтинчалик ажратилсин.
3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)ларга ажратилган ер майдонларини жойнинг ўзида (натурада) белгилаб, ўлчаб бериш ва далолатнома тузиш, қурилиш монтаж ишларини доимий назорат қилиб бориш “Сувоқова” ДУК Нурабад туман филиали бошлиғи (А.Ахмедов)га топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов